

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУРОТОВ ТЕМУР МАЛИК НИЗОМОВИЧ

**БОШ МИЯ ЖАРОҲАТИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ГИПЕРОСМОЛЯР ТЕРАПИЯ ТАЪСИРИНИНГ ҚИЁСИЙ
ТАВСИФИ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Муротов Темур Малик Низомович

Бош мия жароҳати билан оғриган беморларда гиперосмоляр терапия таъсирининг қиёсий

тавсифи..... 3

Муротов Темур Малик Низомович

Сравнительная характеристика эффектов гиперосмолярной терапии у пациентов с черепно-мозговой

травмой..... 27

Murotov Temur Malik Nizomovich

Comparative characteristics of effects of hyperosmolar therapy in patients with cranial

injury..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published

works..... 52

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МУРОТОВ ТЕМУР МАЛИК НИЗОМОВИЧ

**БОШ МИЯ ЖАРОҲАТИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ГИПЕРОСМОЛЯР ТЕРАПИЯ ТАЪСИРИНИНГ ҚИЁСИЙ
ТАВСИФИ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1312 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.emerge-centre.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аваков Вячеслав Ервандович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипова Висолат Хамзаевна
тиббиёт фанлари доктори

Баситханова Эльмира Иркиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика Нейрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100107 Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-46-00, 150-44-64, e-mail: uzmedicine@mail.ru).

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-46-00.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э. Анваров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.К. Алтиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бош мия жароҳати (БМЖ) – ташқи механик куч таъсирида мияни бош суяги ичида ўз ҳолатини тез ўзгартиришга мажбур қиладиган, оқибатда мия тузилиши ва вазифаларининг кескин ўзгаришига олиб келувчи мия фаолиятининг етишмовчилиги билан кечувчи клиник ҳолатдир. Қатор муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра «...бош мия жароҳати, айниқса, болалар ва ёшларда юқори ўлим ва ногиронлик билан тавсифланадиган, соғлиқни сақлашнинг тизимининг ҳал қилиниши зурур муаммоларидан бириди р...»¹. Танланмаган аҳоли гуруҳлари орасидаги тадқиқотларда оғир бош мия жароҳати 30-60%га етадиган юқори ўлим кўрсаткичини ташқимл қилади. Дунё бўйлаб 50 миллиондан ортиқ инсонлар бош мия жароҳати сабабли иқтисодий жиҳатдан жуда йирик, яъни 400 миллиард АҚШ доллари даволанишга сарфланади. Беморларнинг катта қисмини уларнинг кариндошлари, шунингдек, маълум даражада бутун жамият учун жиддий жисмоний ва рухий асоратларга олиб келадиган мия жароҳатлари эгаллайди. Урбанизация, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг ўсиши туфайли бош мия жароҳати билан хасталанганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда бош мия жароҳатида юзага келадиган хавфини башоратлаш, ташхислаш ва даволаш мавжуд бўлишига қарамадан, муаммонинг ечимини топишда гиперосмоляр терапиянинг тўлиқ ечимини топиш замонавий реаниматологиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади

Жаҳонда бош мия жароҳати билан оғриган беморларда гиперосмоляр терапия таъсирининг қиёсий тавсифини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада изоляцияланган бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда гиперосмоляр эритмаларнинг тизимли, марказий гемодинамика, гомеостаз, мия ичи босими ва мия перфузион босими ҳолатини, мия ичи босимини туширишда самарадорлиги ва хавфсизлигини, гиперосмоляр эритмаларнинг бирламчи фойдаланишда мия ичи босимини пасайишини бошланишини ва давомийлигини, қон зардоби ва қон осмолярлигида натрий кўрсаткичлари учун хавфсизлик чегарасини, мия ичи босими < 20 мм.с.симоб устунигача камайтириш ва мия перфузион босимини кўтаришда самарали миқдорларни, беморларнинг ақлий фаолияти ҳамда гиперосмоляр терапия билан боғлиқ бўлган асоратларнинг характери ва интенсив терапия бўлимида даволаниш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли хирургик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

¹ Lijun Y., Feng W., et al. HMGB1 a-Box Reverses Brain Edema and Deterioration of Neurological Function in a Traumatic Brain Injury Mouse Model. Cell Physiol Biochem 2018. 46:2532-2542.

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда гиперосмоляр терапия амалиётида кенг қўллаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фолляти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. БМЖнинг клиник, патогенетик ривожланиши, кечиши ва даволаниши, шу жумладан мия шишлари ва МИГ учун гиперосмоляр эритмаларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. (Saha F., 2011).

Гипертоник NaCl эритмаси иммун ва эндотелиал хужайраларнинг фаолланишини бостириши ва цитокинлар секрециясини камайтириши ҳамда шу билан асаб хужайралари шикастланишини ва иккиламчи мия шикастланишини камайтириши ўрганилган (Rasslan R., 2014). Гипертоник NaCl эритмасининг БМЖдан кейин тўқима омилини ва D-димерларнинг экспрессиясини камайтириши ва тромбомодулиннинг мунтазам экспрессияси даражасини сақлаб туриши исботлаган (Xiping Y., 2019). 7,5% гипертоник NaCl эритмасини ишлатганда TNF- α i IL-1 β экспрессияси 3% гипертоник NaCl эритмасини билан таққослаганда сезиларли даражада ингибирлагани, шу билан бирга TGF- β экспрессиясини оширганини аниқланди (Xiping Y., 2019).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Гипертоник NaCl эритмасининг маннитга қараганда МИГда анча самарали ва узокроқ таъсир кўрсатиши ва БМЖнинг рефрактер ўсишига олиб келмаслигини исботлади (Ware M.L., 2005). Гипертоник NaCl эритмаси МИБ кунлик оғирлигини сезиларли пасайтириши ва кунлик МИБ пасайганлиги кўрсатди (Halinder S.M., 2015).

Ўзбекистонда ҳам миянинг кучайтирилган химоясини мақбуллаштиришни ўз ичига олган мазкур муаммонинг ечимига бағишланган қатор илмий изланишлар олиб борилган. (Акмалов А.С., 2006). Бош-мия гипотермия+ҳалқумни совитиш қон оқимиға, БМЖ бўлган беморларда МИБ ва мия перфузион босимиға таъсир қилиши кўрсатилган. (Аваков В.Е., 2015). Изоляцияланган оғир бош мия жароҳати бўлган беморлар интенсив терапиясида респиратор ёрдамни оптималлаштириш (Росстальная А.Л., 2021). Бош мия жароҳатлари эпидемиологик жиҳатлари (Сабиоров Д.М., 2019). Оғир бош мия жароҳатларида жарроҳлик йўли билан даволаш йўллари кўрсатилган (Махкамов К.Э., 2018). БМЖда мия асоси тузилмалари жароҳатланиши бор беморларда нейромедиатор терапия (Сабиоров Д.М., 2016).

Дунёда бош мия жароҳатининг ривожланишида патогенетик омилларни аниқлаш, клиник-неврологик хусусиятларини, касалликнинг клиник шаклларини, кечишини даволаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарблигича қолмоқда. Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, бош мия жароҳати бўлган беморларда мия шиши ва мия ичи босимини комплекс терапиясида гиперосмоляр терапия вариантларининг қиёсий самарадорлигини ўрганиш ва мақбул даволаш чораларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлари режасига мувофиқ 011800230-сон «Одамларда жарроҳлик касалликларини диагностикаси ва даволашда янги ёндашувлар» (2019–2022) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади изоляцияланган бош мия жароҳати билан хасталанган беморларни гиперосмоляр эритмалар вариантларини дифференциал қўллаган ҳолда даволаш натижаларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

изоляцияланган бош мия жароҳати билан хасталланган беморларда гиперосмоляр эритмалар (15% маннитол, 3,5% NaCl, 7% NaCl ва комбинацияланган 15% маннитол ва 3,5% NaCl эритмалари) ёрдамида тизимли, марказий гемодинамика, гомеостаз, мия ичи босими ва мия перфузион босими ҳолатини комплекс баҳолаш;

изоляцияланган бош мия жароҳати билан оғриган катталар популяциясидаги беморларда мия ичи босимини даволашда ушбу эритмаларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш;

кўрсатилган гиперосмоляр эритмаларнинг ҳар бирдан бирламчи фойдаланиш пайтида ва уларнинг такрорий қўлланилишида мия ичи пасайишини бошланишини ва давомийлигини баҳолаш;

3,5% ва 7% NaCl эритмаларидан фойдаланган ҳолда қон зардобиди ва қон осмолярлигида Na кўрсаткичлари учун хавфсизлик чегарасини баҳолаш;

Мия ичи босими < 20 мм.с.моб устунигача камайтиришда ва мия перфузион босимини кўтаришда самарали бўлган, кўрсатилган гиперосмоляр эритмаларнинг ҳисобланган миқдорларни баҳолаш;

Глазго шкаласи бўйича беморларнинг комадан чиқиш вақти, кўрсатилган ҳар бир гиперосмоляр эритмадан фойдаланганда аклий фаолмязини тикланишини баҳолаш;

гиперосмоляр терапия билан боғлиқ бўлган асоратларнинг учрашини, характерини ва изоляцияланган бош мия жароҳати билан хасталанган пациентларни интенсив терапия бўлимида даволаниш вақтини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг шифохонаси 1 ва 2-сон реанимация интенсив терапия бўлимларида онг бузилиши билан даволанган 2015-2019 йилларда стационар даволанган 18 ёшдан 88 ёшгача бўлган 136 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ишлаб чиқарилган ташхислаш усуллари Глазго шкаласи бўйича 4-12 баллда изоляцияланган бош мия жароҳати билан хасталанган ва қабул пайтида бошнинг аномал компьютер томографияси бўлган беморларда тизимли ва марказий гемодинамика, мия ичи босими, церебрал перфузион босим, электролитлар ва плазма осмолярлиги, шунингдек изоляцияланган бош мия жароҳати билан хасталанган беморларни гиперосмоляр эритмаларини дифференциал қўллаган ҳолда даволаш самарадорлигини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишларини бажаришда беморларнинг операцияга тайёрлашда клиник, биокимёвий, инструментал, нейрофизиологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

изоляцияланган бош мия жароҳатланиш билан хасталанган беморларни даволашда турли хил гиперосмоляр эритмаларнинг вариантларини қўлланилишининг қийосий самарадорлиги электролитлар ва плазма осмолярлиги, церебрал перфузион босим, мия ич босими, тизимли ва марказий гемодинамиканинг зарб индекси, юрак индекси, қон томирнинг ўртача қаршилиги, ўртача артериал босим, марказий вена босимга таъсирининг ўзгариши асосланган;

бош мия жароҳатида гиперосмоляр эритмаларни дифференциаллашган танлаш мезонлари сифатида бошланғич волемиа, плазма осмолярлиги, натрий, юрак ва буйрак етишмовчилиги белгиларининг мавжудлиги исботланган;

биринчи марта миқдорий ифодаларда мия ичи босимининг меъёрий, ўртача, ифодаланган сифат кўрсаткичларини баҳолаш орқали мия III

қоринча м-эхопулсация йўли билан мия ичи босими ноинвазив баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

мия ичи босимини камайтириш ва 20 мм симоб устунигача тушириш учун киритилаётган гиперосмоляр эритмаларнинг мақбул миқдорлари белгиланган ва ижобий даражаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бош мия жароҳати оқибатида келиб чиққан мия ичи босими ошган беморлар учун гиперосмоляр терапия учун мақбул вариантлар ишлаб чиқилган;

бош мия оғир ёпиқ жароҳати билан оғриган беморларда бошланғич гипо- ёки нормоволемида 15% маннитол эритмаси мия ичи босимини ва мия шишини даволаш учун ишлатилиши қулайлиги баҳоланган;

бош мия жароҳати билан оғриган беморларда бошланғич гиповолемида, плазманинг норма- ёки гипонатремияли изоляцияланган мия ичи босими кўтарилишини бартараф этиш ва даволаш учун 3,5% NaCl эритмаларидан фойдаланиш қулайлиги оптималлаштирилган;

бошланғич гипернатремия ва плазмадаги гиперосмоларлик белгиларига эга бўлган, ўта оғир беморлар учун 7% NaCl эритмасидан фойдаланмаслиги ва плазмадаги осмоларлик чегаравий қийматларида беморларда 15% маннитол эритмасидан фойдаланиши қулайлиги баҳоланган;

маннитолнинг 15% ва NaCl 3,5% қўшма эритмаси маннитолнинг натриуретик таъсири туфайли гипернатремияни олдини олиш ва назорат қилиш учун яхши имкониятлар берган;

мия ичи босимини ноинвазив ўлчаш мия ичи босимини тўғри мониторинг қилиш, эритмаларни гиперосмоляр миқдорини танлаш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда гиперосмоляр терапия таъсирининг қиёсий тавсифини халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг хулосаси ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти потенциал донорларни тез ва мақсадли танлаб олишни белгиловчи назарий асосларни яратиш ва билимларни кенгайтириш, трансплантантни иссиқлик ишемиясидан ҳимоя қилиш ва кўчириб ўтказилгандан кейинги асоратларни ташхислаш ва даволашга қиёсий ёндошув, буйракдаги тузилмавий-функционал ўзгаришларни иссиқлик ишемияси давомийлигига боғлиқлигининг назарий мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефрэктомия учун потенциал донорни мажмуавий текшириш алгоритмини такомиллаштириш, трансплантат иссиқлик ишемиясидан жарроҳлик амалиёти пайтидаги химояси учун бошқарувчи қурилма яратилган, у жарроҳлар ишига ҳалақит бермайди ва донор буйрагини ишемия оқибатидан химоялаш, асоратлар ривожланиши ҳавфидан асраш ва реципиентда кўчириб ўтказилган органни ўз вазифасини бажариш муддатини ошириш, буйрак кўчириб ўтказилганда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни қиёсий ташхислаш ва асоратларни ривожланиш ҳавфини башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бош мия жароҳатининг оғир турларида беморларда гиперосмоляр терапиянинг энг самарали усулларини ишлаб чиқиш, изоляцияланган бош мия жароҳати билан хастланган беморларда мия шиши ва мия ичи босимини комплекс даволашда гиперосмоляр эритмаларнинг вариантини танлашга дифференциал ёндашувнинг назарий аҳамияти асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда гиперосмоляр эритмалар вариантларини дифференциал қўллаган ҳолда даволаш натижаларини оптималлаштириш, бош мия III қоринча М-эхопулсацияси билан мия ичи босимини сифат кўрсаткичларини меъерий, ўртача, оғир турларида меъерий даражасини таъминлаш орқали мия ичи босимини ноинвазив баҳолаш ва самарали даволаш тартиби ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Бош мия жароҳати билан оғриган беморларда гиперосмоляр терапия таъсирининг қиёсий тавсифини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Бош мия шикастиланиши бўлган беморларда интракраниал босимни ноинвазив баҳолаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтиро патенти олинган (№IAP 06573). Ушбу усул бош мия шикастиланиши бўлган беморларда интракраниал босимни ноинвазив баҳолаш орқали бош миядагит шишларни олдини олиш орқали касалликларни самарали даволаш усули ишлаб чиқилган;

Бош мия жароҳати билан оғриган беморларда гиперосмоляр терапия таъсирининг қиёсий тавсифлаш натижасидда олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Бош мия жароҳати билан хастланган беморлардаги мия шиши бартараф этишда дифференцияланган гиперосмоляр терапия» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 8н-д/33-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатмалар изоляцияланган бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда мия шишини даволаш учун гиперосмоляр эритмаларнинг оптимал вариантларини белгилаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

Бош мия жароҳати билан оғриган беморларда гиперосмоляр терапия таъсирининг қиёсий тавсифини баҳолашни такомиллаштиришга

қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонаси, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ва Хоразм вилояти Ургенч шаҳар кўп тармоқли шифохоналарнинг реаниматология бўлимлари амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 3-ноябрдаги 08-09/16309-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда гиперосмоляр терапия таъсирининг қиёсий тавсифлашш орқали даволаш сифатини яхшилаш, изоляцияланган бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда мия ичи гипертензиясини ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш, даволаш учун иқтисодий харажатларни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, изоляцияланган бош мия жароҳатидан кейинги ўлим даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг **«Бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда гиперосмоляр терапияси самардорлигини баҳолашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг ушбу муаммонинг ҳолати, бош мия жароҳатининг тарқалиши, этиологияси, диагностикаси ва даволаш бўйича илмий тадқиқотлари натижалари баён этилган.

Диссертациянинг **«Бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда гиперосмоляр терапияси самардорлигини баҳолаш**

материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида материал ва тадқиқот усуллари тасвирланган. Тадқиқотнинг клиник қисмида 18 ёшдан 88 ёшгача бўлган 136 нафар беморда текширув ўтказилди, ўртача ёш $40,7 \pm 1,7$ ёшни ташкил қилади.

Беморлар жароҳат олганидан кейин тезда касалхонага ётқизилган ва онгининг у ёки бу даражада бузилиши кузатилган. Ўртача, жароҳатдан кейин қабул қилиниш вақти 37 ± 8 дақиқани ташкил қилади. Тадқиқотда фақат МИБ (МИБ >20 мм.сим.уст) бўлган беморлар иштирок этди. Онг даражаси баҳолангандан сўнг, барча беморларга тез тиббий нейрохирургик аралашув зарурлигини истисно қилиш мақсадида бошнинг томографияси ўтказилди.

Беморларни қабул қилигандаги дастлабки маълумотларга қуйидагилар киради: ёши, жинси, вазни, АРАСНЕ II шкаласи бўйича оғирлик ҳолати балларини ҳисоблаш учун керакли бўлган бош мия томографияси натижалари, шикастланиш механизми, кўз корачиқларининг реактивлиги (реактив/реактив бўлмаган).

Барча беморлар в/и юбориладиган гиперосмоляр эритмаларга қараб тасодифий равишда 4 гуруҳга бўлинган: I гр – 15% маннитол эритмаси олган беморлар; II гр – 3,5 % натрий хлорид эритмасини олган беморлар;

III гр – 7% натрий хлорид эритмасини олган беморлар; IV гр – 15 % маннитол эритмасини ва 3,5 % натрий хлорид эритмасини олган беморлар.

Гуруҳлар уларни таққослашда барча тоифали ўзгарувчи маълумотлар бўйича тасодифий таснифланган.

Ҳар бир бемор учун тавсифланган ўзгарувчан хусусиятларга қўшимча равишда, ГКШ ва ГИШ, даволаниш вақти, АҚБ, УАҚБ, ЮУС, МИБ, МПБ, плазма осмолярлиги, натрий миқдори, қон глюкоза, сийдик миқдори, МГ кўрсаткичлари (ЗИ, ЮИ, УПТҚ), гемостаз (протромбин вақти, фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти, фибриноген) йиғилган.

МИБ 20 мм.сим.уст. дан ошганда ва МИГ 5 дақиқадан кўпроқ давом этганда, юқорида айтиб ўтилган гиперосмоляр эритмалардан бири марказий веноз чизиқ орқали 5-7 мл/мин тезликда болосли (дақиқасига 120 томчи) юборилди, яъни 1000-1100 мосм/л оралиғида. МИБ ≤ 20 мм.сим.уст дан камайганда, эритмалар инфузияси тўхтатилган, бу бизнинг даволаш мақсадимиз эди.

ЮМ-300С реанимация-жарроҳлик монитор ёрдамида юрак уриш тезлиги, УАҚБ, МИБ ва ҳисобланган МПБ доимий равишда ўлчанилган.

МИБ L3-L4 орасида инвазив люмбал пункция ва ноинвазив йўллари орқали ўлчанилган. Ҳаммаси бўлиб, ажратилган БМЖ билан оғриган 136 бемордан 37 беморда, дислокация синдромининг КТ белгилари бўлмаганида, люмбал пункция монометрия билан ва аутоқон билан тўлдириш бажарилган. Асосан МИБ ноинвазив йўл билан ўлчанган.

Ушбу параметрларнинг таҳлили тадқиқотнинг қуйидаги босқичларида ўтказилган:

- инфузия бошланишидан олдин;

- инфузия тугандан сўнг (МИБ <20 мм.сим.устуни бўлишига эришилган);

- инфузия тўхтатилгандан 30, 60 ва 120 дақиқа ўтгач (ИБ <20 мм.сим.уст камайганидан кейин).

Плазмадаги натрий даражаси, плазма осмолярлиги, қон глюкозаси, гематокрит, сийдик чиқиши терапиядан олдин ва кейин баҳоланган.

Биз бош миянинг III қоринчасида М-эхо пулсациясини аниқлаш учун эхоэнцефалоскопия, экстра ва транскраниал доплерография амалиёни бажаришга имкон берадиган “Комплексмед 1.2” фирмаси (ЭкоМед + Россия) диагностик комплексини ишлатдик.

МИБ қийматлари ўрганилган беморларда биз таклиф қилинган формулага мувофиқ инвазив бўлмаган ва инвазив усулда (люмбал пункция) олинган маълумотлардан олинган МИБ коррекцион коэффициентини аниқладик.

$$\text{МИБ} = \frac{P}{k}, \text{ бу ерда}$$

P – пулсограмма % да, k= нормал пулсограмма билан коррекцион коэффициенти (фоизли маълумотлар М – эхо).

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлашни АҚШнинг StatSoft@ Inc. компаниясининг STATISTICA дастурий тўплами (версия 13.10) ёрдамида шахсий компьютерда амалга оширдик. Бирлаштирилган жадваллар, графиклар ва аналитик кўрсаткичларни олиш учун тақдим этилган материални статистик қайта ишладик: тузилишлар (P), ўртача қийматлар (M) ва уларнинг ўртача хатолари ($\pm m$), Стьюдент мезонлари (t), Фишер тести (F) ва Пирсон (χ^2) хато эҳтимолини ҳисоблаш билан (P). Ўртача қийматлардаги фарқлар $P < 0,05$ даражасида аҳамиятли деб ҳисобладик.

МИБ ва М-эхо пулсограммалари Пирсон ва Спирманнинг корреляцион коэффициенти билан текширилди, уларнинг ишончлилиги t-Стьюдент ёрдамида билан текширилди.

Диссертациянинг «**Бош мия жароҳати билан хасталанган беморларда гиперосмоляр терапиясида клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида бош мия шикастланиши билан хасталанган беморларнинг клиник-лаборатория маълумотлари ва кўрсаткичлари келтирилган.

Ўз тадқиқотларимизда биз мия ичи босими (МИБ) таъсирини ҳисобга олган ҳолда гиперосмоляр терапияни танладик ва баҳоладик, дозалаш учун осмоляр ёки ҳажмли кўрсаткичлардан фойдаланмадик. Биз МИБ <20 мм.сим.уст. дан камайишига олиб келувчи гиперосмоляр эритмалар (ГОЭ) ва маннитолнинг умумий дозаларини ҳисоблаб чиқдик ва уларни тегишли гуруҳларда таққосладик.

Инъекция йўли билан юборилган ГТЭ ва маннитол ҳажмига келсак, бу муаммога олиб келмади, чунки ГТЭ ва маннитол айланиб юрувчи қон

ҳажмига акс таъсир кўрсатади: ГТЭ унинг кўпайишига олиб келади, маннитол эса диурезни ошириши туфайли мияга таъсир этган ҳолда айланиб юрвчи қон ҳажмини камайтиради.

Шуни таъкидлаш керакки, биз маннитол ва ГТЭ ни болуос ҳолатда юбордик, бир томондан уларни таққослашни тасодифийлигини таъминлаш учун, бошқа томондан маннитолни узлуксиз юборилганда унинг самарадорлиги чекланганлиги қайд этилган, ҳамда унинг мия паренхимасида тўпланиши кучаяди, бу эса мия шишини кучайтириши ва узайтириши мумкин.

Гиперосмоляр терапияни амалга оширишда биз қон плазмасидаги осмолярлик ва натрийнинг чегаравий қийматларини ҳисобга олдик. Зардобдаги натрий даражаси 155 мэкв /л ва осмолярлиги 320 мосм /л, одатда бу кўрсатилган эритмалар юбориладиган хавфсиз юқори чегара ҳисобланади.

Шунга асосланган ҳолда, биз плазмадаги натрий даражаси > 142 ммол/л дан юқори бўлган беморларга жуда эҳтиёткор бўлдик. Маннитолнинг 15% эритмасининг олган I -гурух беморларида ўтказилган тадқиқот натижалари. ГТА нейрожарроҳлик, анестезиология ва реанимация бўлимларида 3 йил давомида (2017-2019 йиллар) ўтказилган ушбу тадқиқотга жами 30 та бемор киритилди. Ушбу гуруҳдаги барча зарарланган беморларга вазофаол ёрдам бериш, гликемия ва гипертермияни коррекциялаш учун асосий даволаш усуллари диссертациянинг II бобида келтирилган. Имконият бўлганда беморларда КИБ субарахноид бел пункцияси билан манометрия (10 нафар бемор) ва функцияли М-эхопулсограмма Комплексмед 1.2 қурилмасида (барча беморлар учун, қайта-қайта) назоратга олинди.

Ўртача юрак уриш тезлиги бир дақиқада $70,1 \pm 2,8$ ни ташкил қилди (дақиқада 56-87 оралиғида). 15% маннитолнинг болуос дозаси 1 г/кг тана вазнини ҳисоблаб юборилгандан кейин клиник жиҳатдан муҳим ўзгаришлар кузатилмади, юрак уриш тезлигининг бироз ошишига мойиллик кузатилди, яъни 120 дақиқада бошланғич кўрсаткичларга қараганда 5% га тезлашди ($p > 0,05$). Худди шундай натижалар УАҚБ (Систолик артериал қон босими) кўрсаткичларида ҳам кузатилган. УАҚБ нинг максимал ўсиши, дастлабки қийматларга нисбатан, маннитол инфузияси тугагандан 30 дақиқа ўтгач (9,9%) қайд этилган. САҚБ 120 дақиқага келиб ўртача $83,6 \pm 3,5$ мм.сим.уст бўлган ва дастлабки қийматлардан 8,1% га ошган.

Марказий веноз босим (МВБ) кўрсаткичлари ва пулсоксиметрия маълумотларининг тадқиқотнинг 30 дақиқасидан бошлаб (III босқич) яхшиланганлиги ишончли ($p < 0,01$) бошланғич маълумотлар бўлиб, улар қоннинг яхши веноз қайтишини кўрсатади.

Энг катта ўзгаришлар марказий гемодинамика кўрсаткичлари бўйича қайд этилди. Юракнинг бир марталик ва бир дақиқалик маҳсулдорлиги 30-дақиқадан бошлаб статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошди ва 120

дақиқадан сўнг ЗИ ва ЮИ бошланғич қийматларга нисбатан, мос равишда 55,2% ва 50,2% га ошди ($P < 0,05$).

Кўрсатилган АҚБ, УАҚБ, ЗИ ЮИ бу ўзгаришлар паст қон босим тизимида қаршилиқ юқори бўлган томирлар тонусининг сезиларли пасайиши фонида содир бўлди, бу эса микроциркуляциянинг яхшиланганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, дастлаб ўртача $1374,2 \pm 56,4$ дин \times с \times см $^{-5}$ бўлган УПТҚ, 60 ва 120 дақиқадан сўнг ушбу кўрсаткичлардан 32,3% ва 32,5% га паст бўлган (1-жадвал).

УПТҚда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Тадқиқотнинг III босқичида (30 дақиқадан сўнг) дастлабки маълумотларга нисбатан 28% ($p < 0.001$) сезиларли даражада камайди.


1-жадвал

Тадқиқот босқичларида 1 -гурухдаги беморларда тизимли ва марказий гемодинамика кўрсаткичларининг динамикаси

Кўрсаткичлар	Тадқиқот босқичлари				
	I	II	III	IV	V
ЮУС, бир мунутда	70,1 \pm 2,8	71,4 \pm 3,1	72,5 \pm 3,2	72,9 \pm 3,0	63,6 \pm 2,6
АҚБ, систолик мм.сим.уст	109,7 \pm 4,5	112,2 \pm 4,5	118,6 \pm 4,9	117,2 \pm 4,8	118,1 \pm 4,7
АҚБ, диастолик мм.сим.уст	61,1 \pm 2,4	64,0 \pm 2,6	68,3 \pm 2,8*	67,1 \pm 2,7	66,4 \pm 2,6
УАҚБ, мм.сим.уст	77,3 \pm 3,1	79,7 \pm 3,3	85,0 \pm 3,5	83,8 \pm 3,4	83,6 \pm 3,5
МВБ, см.суб.уст.	6,1 \pm 0,25	6,7 \pm 0,28	7,7 \pm 0,32**	8,4 \pm 0,35***	9,0 \pm 0,38** *
SpO ₂ , %	93,4 \pm 3,8	97,3 \pm 4,1	98,4 \pm 4,3	98,7 \pm 3,9	98,4 \pm 3,8
ЗИ, мл/м ²	33,3 \pm 1,4	44,1 \pm 1,8***	49,9 \pm 2,1***	52,4 \pm 2,2***	51,7 \pm 2,0** *
ЮИ, л/м ²	2,53 \pm 0,11	3,15 \pm 0,13**	3,62 \pm 0,15***	3,80 \pm 0,16** *	3,80 \pm 0,15* **
УПТҚ, дин*с*см ⁻⁵	1374,2 \pm 56,4	1285,6 \pm 52,8	989,8 \pm 40,6** *	931,1 \pm 37,4 ***	928,0 \pm 36,7***

Изох: * - тадқиқотнинг I босқичи кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли (*- $P < 0,05$; **- $P < 0,01$; ***- $P < 0,001$)

15% ли маннитнинг болюсли инфузиясидан сўнг, ИБ 30 дақиқада максимал 31,8% га камайди ва тадқиқотнинг 120 дақиқасигача ушбу кўрсаткичда қолди ($p < 0.05$). ИБ даги бу пасайиши МПБ га ижобий таъсир кўрсатди, ушбу кўрсаткич 30-дақиқада ўртача $66,3 \pm 2,4$ мм.сим.уст ни ташкил қилди, бу эса бошланғич қийматлардан статистик жиҳатдан 21,9% ($p < 0,05$) га сезиларли юқори (1-расм). Тадқиқотнинг V босқичигача ИБ ва М- эхопулсациялари (Р) бошланғич қийматлардан 30.3% ва 52.9% ($p < 0.01$) га паст ва МПБ эса бу босқичда бошланғич қийматлардан 29.2% га ($p < 0,001$) юқори ҳолатда турди.



1-расм. Тадқиқот босқичларида М-эхопулсация (Р), МИБ ва МПБ динамикаси.

Изоҳ: * - тадқиқотнинг I-босқичи кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли (**- $P < 0,01$; ***- $P < 0,001$)

МПБ нинг максимал кўтарилиши тадқиқотнинг 120 дақиқасида дастлабки қийматларга нисбатан 29,2% га ошгани қайд этилди. Буларнинг барчаси мия перфузияси яхшиланганлигини кўрсатди. Бунга кўрсатилган вақт ичида 35-37% га етган гематокрит кўрсаткичлари ёрдам берди.

2-жадвал

Маннитолнинг 15% эритмаси болусидан сўнг қоннинг биокимёвий параметрлари динамикаси (инфузиядан 2 соат олдин ва кейин) (n = 30)

Гематокрит, %	Олдин	41,2±1,7 (27-48)
	Кейин	36,1±1,5 (32-43)
	P	<0,05
Плазмадаги натрий, ммоль/л	Олдин	136,8±5,6 (123-142)
	Кейин	135,2±5,3 (124-144)
	P	>0,05
Плазма осмолярлиги, мОсм/л	Олдин	260,7±10,6 (254-270)
	Кейин	271,1±11,2 (260-279)
	P	>0,05

Тақдим этилган маълумотлардан, маннитол гемодилюцияга олиб келади, бунинг натижасида эса Нt кўрсаткичи статистик сезиларли даражада (12,4%га) пасайганлиги маълум бўлади. Қондаги натрий концентрациясига келсак, у деярли ҳеч қандай ўзгаришларга учрамаган. Плазма осмолярлиги маннитол инфузиясидан кейин 10 мОсм/л га ошган бўлсада, бу статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмади (2-жадвал).

Беморларнинг ушбу гуруҳида олинган максимал ва минимал МИБ қийматлари ўртача $27,4 \pm 1,1$ мм.сим.уст ва $18,7 \pm 0,74$ мм.сим.уст ни ташкил қилди.

Бу гуруҳда осмотерапиянинг ўртача давомийлиги $6,3 \pm 1,2$ кун (5-8 кун) ни ташкил қилди.

Даволаш мақсадимизга эришганимиздан сўнг (МИБ ни 20 мм.сим.уст дан паст) ва 2 соат давомида, сўнгра ҳар 4-5 соатда босқичма-босқич кузатдик. Маннитол таъсирида МИБ нинг пасайиши диурезнинг 110-140 мл / соатгача ($121,1 \pm 9,0$ мл) ошиши билан кечди. Диурезнинг энг юқори ошиши 30-60 дақиқада кузатилди.

Бу гуруҳдаги (23,3%) 7 нафар беморда (3 субдурал гематома ва қон кетиш, 4 эпидурал гематома) тромб эвакуацияси билан краниотомия ўтказилди (16,6%). Ушбу беморлар учун маннитол осмотерапияси самарасиз бўлиб чиқди, яъни болюс билан юборилган маннитолга нисбатан рефрактерлик аниқланди, 20 мм.сим.уст дан пасаймади ва МПБ кўтарилди.

Бу гуруҳдаги беморларнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлиш муддати ўртача $12,6 \pm 0,9$ кунни ташкил этди. Клиникада даъволаниш муддати - $19,4 \pm 2,1$ кун. Касалхонада ўлим кўрсаткичи 23,3% ни ташкил этди (7 нафар бемор).

Бизнинг тадқиқотимизда $4,1 \pm 0,3$ мл/кг дозада 15% маннит эритмаси болюс юборилгандан 30 дақиқа сўнг МИБни <20 мм.сим.уст га камайтирди. Унинг таъсири 2 соатдан кўпроқ давом этди.

II-гуруҳ беморларида 3,5% NaCl гиперосмоляр эритмасидан фойдаланилгандаги тадқиқот натижалари. ГТА нейрожарроҳлик, анестезиология ва реанимация бўлимларида 3 йил давомида (2017-2019 йиллар) ўтказилган ушбу тадқиқотга жами 36 нафар бемор киритилди.

Бу гуруҳдаги барча беморларга МИБ ни пасайтириш учун 3,5% NaCl эритмаси инфузияси юборилган. Ушбу тадқиқотда биз кўрсатилган ГСЭ нинг интракраниал гипертензия алоҳида эпизодларига, шунингдек, МИБ пикларининг пасайиш вақти ва давомийлигига таъсири, ҳамда бу эритманинг МИБ <20 мм.сим.уст га камайтирувчи дозасини ўрганиб чиқдик.

Ўртача юрак уриш тезлиги, бир дақиқада $76,4 \pm 2,9$ (56-89) ташкил этиб, тадқиқотнинг барча босқичлари давомида амалда клиник жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришларга учрамади. Фақат юрак уриш тезлигининг бироз ошишига мойиллик кузатилди. Унинг максимал қийматлари 3-босқичда қайд этилган (3,5% ГСЭ болюс юборилгандан 15-30 дақиқа ўтгач (бошланғич кўрсаткичдан 3,5% юқори). Қон босими систолик (9,8%) ва диастолик (16,8%) ҳисобига деярли бир хил даражада ошган. Иккала ҳолатда ҳам фарқ ишончли бўлмаган ($p > 0,05$) (3-жадвал).

Тадқиқот босқичида II-гурух беморларида тизимли ва марказий гемодинамика кўрсаткичлари (n = 36)

Кўрсаткичлар	Тадқиқот босқичлари				
	I	II	III	IV	V
ЮУС, дақ. да	76,4±2,9	78,3±3,2	79,1±3,3	78,2±3,2	77,9±3,0
АҚБ, систолик мм.сим.уст	110,5±4,4	114,2±4,5	119,3±4,9	121,4±5,1	120,7±4,8
АҚБ, диастолик мм.сим.уст	62,5±2,5	66,1±2,7	71,2±2,9*	73,0±3,1*	72,2±2,8*
УАҚБ, мм.сим.уст	78,5±3,2	82,1±3,4	87,2±3,6	89,1±3,7*	88,3±3,4*
МВБ, см.суб.уст.	5,3±0,22	7,4±0,31***	7,9±0,33***	8,2±0,35***	8,6±0,36***
SpO ₂ , %	93,6±3,8	98,4±3,9	98,7±4,0	98,9±4,1	98,1±3,8
ЗИ, мл/м ²	34,0±1,4	37,2±1,5	39,1±1,6*	38,9±1,8*	37,4±1,5
ЮИ, л/м ²	2,59±0,11	2,91±0,12*	3,09±0,13*	3,04±0,12*	2,91±0,11*
УПТҚ, дин*с*см ⁻⁵	1373,3±56,3	1253,4±49,7	1254,6±52,3	1303,1±54,2	1350,6±55,4

Изох: * - тадқиқотнинг I босқичи кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли (*-P<0,05; ***-P<0,001)

УАҚБ нинг дастлабки кўрсаткичлари $78,5 \pm 3,2$ (62-84) мм.сим.уст. ни ташкил қилиб, кўтарилишга мойиллик кўрсатди. У тадқиқотнинг 4-босқичида (3,5% ГТЭ болнос юборилгандан 60 дақиқа ўтгач) максимал даражага етди ва дастлабки маълумотлардан 13,5% га ошди (p < 0,05) (3-жадвал). Ушбу гуруҳнинг 9 нафар беморида (25%), қабул қилинган вақтда, артериал гипотензия кузатилгани сабабли, унинг коррекцияси учун инотропик ёрдам (прессорлар, гормонлар) зарур бўлди. Пулс оксиметрия ва МВБ кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди, $PCO_2 = 37,1 \pm 1,4$ мм.сим.уст. ни ташкил қилди, бу эса қоннинг газ таркиби яхшиланиши (кислород билан тўйиниш) ва юракка веноз қон қайтишини кўпайганини кўрсатади, бу эса ўз навбатида юракнинг бир марталик самарадорлиги (2-босқичда 9,4% га) ва юрак уриш тезлигининг ошиши (2,4%га) туфайли юрак қон ҳайдаш ҳажмининг ошишига олиб келди. Юрак уриш индекси ва юрак индексининг максимал қийматлари, уларнинг бошланғич қийматларидан мос равишда 15 ва 19,3% га ошиши биз томонидан тадқиқотнинг 3 -босқичида қайд этилди.

Юрак насос кўрсаткичларининг ошиши тизимли томирлар қаршилигининг пасайиши билан мос келди, бу статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмасада, 3,5% ГТЭ болноси билан давом этган тадқиқотнинг барча босқичларида кузатилган. УПТҚ нинг максимал пасайиши 2 -босқичда (ГСЭ юборилгандан кейин) қайд этилган. У $1253,4$ дин*с*см⁻⁵ ни ташкил этиб,

дастлабки маълумотларга қараганда 8,8% ва УПТҚ нинг ушбу босқичдаги бўлиши керак бўлган қийматлардан 3,6% га паст эди ($1300,1 \text{ дин} \cdot \text{с} \cdot \text{см}^{-5}$). Буларнинг барчаси периферик қон айланишининг яхшиланганлигидан далолат берди.

Тақдим этилган маълумотлар 3,5% ГТЭнинг МИБ ва мия қон айланишига ижобий таъсири борлигини кўрсатади. 3,5% ГТЭ болос юборилгандан 20-25 дақиқа ўтгач, КИБ 20 мм.сим.устунидан пастроқ кўрсаткичга (2-босқич) камайди ва ўртача 19,7 мм.сим.устунига етди, яъни дастлабки маълумотларга нисбатан 26,3%га камайди ($p < 0,05$). МИБнинг максимал пасайиши тадқиқотнинг 3-босқичида (30 дақиқадан сўнг) қайд этилди, бу босқичда у $18,9 \pm 0,73$ мм сим.устунини ташкил этиб, дастлабки қийматлардан 29,3% га ($p < 0,05$) пастроқ бўлди. Юборилгандан 60 дақиқа ва 120 дақиқа ўтгач у кўтарилишга мойиллик кўрсатди, лекин 20 мм.сим.устунидан пастроқ даражада қолди.

МИБ нинг пасайиши МПБ нинг ўсишига олиб келди. Шундай қилиб, 2 -босқичда у дастлабки қийматлардан 20,4% га ошди ($p < 0,05$). Биз ушбу гуруҳда МПБ нинг максимал қийматларини 4-босқичда (болос киритилгандан 60 дақиқа ўтгач) қайд қилдик, бу босқичда у 69.7 мм.сим.уст. ни ташкил қилиб, тадқиқотнинг I-босқичига қараганда 34.5% юқори бўлди (4-жадвал). 3,5 % ГТЭ болос юборилгандан 20-25 дақиқа ўтгач, М-эхо пулсация, ўртача $32,3 \pm 1,3\%$ ни ташкил этиб пасайди (2-босқич), бу дастлабки маълумотларга нисбатан 48,3%га кам ($p < 0,05$). М-эхо пулсациянинг максимал пасайиши тадқиқотнинг 3-босқичида қайд этилди (30 дақиқадан сўнг), бу босқичда у $29,3 \pm 1,1\%$ мм.сим.устунини ташкил этиб, бошланғич кўрсаткичларга нисбатан 53,1% га ($p < 0,05$) паст эди.

4–жадвал

Тадқиқот босқичларида МИБ, Р ва МПБ динамикаси (n = 36)

Кўрсаткичлар	Тадқиқот босқичлари				
	I	II	III	IV	V
Р%, М-эхо пулсация	62,5±2,4	32,3±1,3*	29,3±1,1*	31,3±1,3*	30,8±1,2*
МИБ, мм.сим.уст	26,7±1,1	19,7±0,78*	18,9±0,73*	19,4±0,76*	19,3±0,77*
МПБ, мм.сим.уст	51,8±2,0	62,4±2,5*	68,3±2,7*	69,7±2,9*	69,0±2,8*

Изох: * - тадқиқотнинг I босқичи кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли (*- $P < 0,001$)

5–жадвал

II -гуруҳ беморларида тадқиқот босқичларида электролитлар, қон осмолярлиги ва гематокрит кўрсаткичлари динамикаси (n = 36)

Кўрсаткичлар	Тадқиқот босқичлари				
	I	II	III	IV	V
Плазмадаги натрий, ммоль/л	132,4±5,3	139,7±5,8	139,0±5,4	141,2±6,1	138,6±5,2
Плазма осмолярлиги, мОсм/л	264,8±10,5	279,4±11,3	278,0±11,2	283,6±11,6	278,8±11,5
Гематокрит, %	40,4±1,7	37,8±1,6	35,3±1,5*	34,5±1,4*	36,1±1,5*

Диурез, мл/с	52,0±3,7	84,1±4,5	87,2±5,0	102,7±6,1	78,9±5,0
--------------	----------	----------	----------	-----------	----------

Изох: * - тадқиқотнинг I босқичи кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли (*-P<0,05).

3,5% ГТЭ болуос юборилгандан кейин 20-25 дақиқада натрий ва плазма осмолярлиги (2-босқич) ҳар икки ҳолатда ҳам 5,5% га ошди (p>0,05). Натрий ва қон осмолярлигининг максимал ўсиши 60 дақиқада қайд этилди (4-босқич), уларнинг бошланғич қийматлари мос равишда 6,6% ва 7,1% га ошди (5-жадвал).

Бу Na⁺ концентрацияси ва плазма осмолярлигининг ўртача қийматлари. Болуос дозаси 3,5% бўлган ГТЭ юборилгандан сўнг, бошланғич гипернатремия (147,5 ± 2,2 ммол/л) бўлган ушбу гуруҳнинг 9 нафар беморида, тадқиқотнинг 2 -босқичида, плазмадаги Na⁺ даражасининг 159,1 ± 2,4 ммол/л (7,8%га) ошиши кузатилган, бу уларда соатлик сийдик чиқаришининг 100-105 мл/соатгача ошиши билан бирга кузатилган, шу билан бир вақтда гуруҳдаги бошқа беморларда диурез 80-82 мл/соатга ошган. Бу гуруҳда ҳеч қандай ҳолатда буйрак етишмовчилиги ривожланиши қайд этилмаган. Аксинча, гипернатремиянинг буйрак компенсацияси қониқарли бўлди. Диурез 105,3 ± 12,4 мл / соатни ташкил қилди.

Бу гуруҳда мия ичи гипертензиясининг 216 эпизодини қайд қилдик, бу эса 3,5% ГТЭ болуос дозасини қайта юборишга олиб келди. Ўртача ҳар бир беморда МИБ нинг 6 (5-8) эпизодлари бўлган.

Ушбу гуруҳда асосий (стандарт) терапия билан 3,5% ГОЭ инфузиясининг бошланиши ўртасидаги оралиқ 3,9 ± 0,4 соатни ташкил этди. 3,5% ГОЭ дозаси МИБ нинг ҳар бир эпизодида коррекция қилинди, 5 мл /кг/с дан бошланилди ва МИБ <20 мм.сим.устуни даражасига етганда болуос билан яқунланди. Умуман олганда гуруҳда бу доза 2,9±0,12 (2,0-3,8) мл/кг ни ташкил этди.

Ушбу гуруҳнинг 7 нафар беморида етарли даражада рефрактер бўлган ИБ қайд этилган, ва у 15% маннит билан биргаликда 3,5% ГТЭ юборилганда ҳам яхшиланмаган. Бу беморларда нейрожарроҳлик аралашуви ўтказилди (декомпрессион трепанация, тромб эвакуацияси).

Ушбу гуруҳда МИБ ўртача ўлчаш кунлар сони 6.1 ± 0.3 ни ташкил этди.

Беморларнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлиш кунларининг ўртача сони 11,3 ± 0,4, клиникада эса – 18,9 ± 1,7 кунни ташкил этди.

Бу гуруҳда ўлим кўрсаткичи 22,2% ни ташкил этди. Бу гуруҳдаги барча ўлган 8 нафар беморнинг барчасида Глазго Кома Шкаласи (ГКШ) нинг паст баҳолари (4-5) ва нисбатан юқори МИБ қийматлари билан жиддийроқ бирламчи жароҳат бўлган (баландликдан йиқилиш, бошга зарба).

